
Маҳаллаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ис газидан заҳарланиш ва бошқа нохуш ҳолатларни олдини олишга қаратилган профилактик тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда

Фурқат туманида куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш ҳамда вужудга келган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида узлуксиз навбатчилик штаби ташкил этилган.

Бугун туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида секторлар раҳбарлари, электр, газ, фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари иштирокида мавсумни беталофот ўтказиш мақсадида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш, ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши ва бошқа хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказиш чораларини кўриш юзасидан муҳокама йиғилиши ўтказилди.

Тармоқ корхона масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ҳар бир маҳаллада уйма-уй юрган ҳолда аҳоли яшаш уйларида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатлар ўрганилиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни жойида бартараф этиш чоралари ҳам кўриб борилмоқда.

2023-12-19 12:07:50